

дармонлардан халос этади;

8) болалар ва ўсмирларда диққатни ва гиперактивлик синдромини дори-дармонсиз самарали даволайди.⁸

Санкт-Петербург шаҳридаги “Биосвязь” фирмаси 1996 йили БОС «Дыхание» тренажерни ишлаб чиқиб, истеъмолга таклиф қилган. Юқорида келтирилган «Дыхание» тренажеридан ушбу мақсадда самарали фойдаланиш мумкин.⁴

Албатта, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг жисмоний ривожда ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш муаммоларини ҳал қилиш учун мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагоглар ва тарбиячилар алоҳида мақсадли махсус тайёргарликдан ўтган бўлишлари зарур.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мактабгача тарбия муассасаларида АКТдан фойдаланиш мақсад эмас, балки 5-6 ёшли мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида ижодий ва жисмоний қобилиятларини ривожлантириш воситасидир. Тарбия жараёнида мактабгача таълим муассасаларида тарбия жараёнининг мазмунини ва режасини тубдан қайта қўриб чиқишни такозо этади. Бунда ҳамма учун таниш бўлган бир неча тамойилларга амал қилиш зарур. Булар узлуксизлик, етарлилик, кетма-кетлилик ва баъзи амалий кўникмаларни шакллантириш тамойилларидир. Ушбу мақолада имкониятимиз даражасида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг жисмоний ривожда АКТдан фойдаланишнинг баъзи муаммолари ва ечимлари борасидаги қарашларимизни баён қилишга ҳаракат қилинди.

Адабиётлар

1. <http://kun.uz/news/2017/11/24/maktabgacha-talim-vazirligida-korea-modeli-elementlari-kullaniladi>
2. “Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларини тасдиқлаш ҳақида”ги ЎзР. Мактабгача таълим вазирининг 18.06.2018 йилдаги 1-мх-сонли буйруғи ва унинг иловаси.
3. Шестаков М.П., Анненков К.В., Антохина Е.Т. и др. Современные компьютерные технологии в развитии спортивной науки. // «Теория и практика физической культуры». 1996, № 8.-С. 43-45.
4. Сметанкин А.А. президент Российской Ассоциации БОС, один из создателей технологии БОС. (<http://dyhatelnaya.ru/po-smetankinu/dyhanie-po-smetankinu.html>). 25.01.2018 да олинган.
5. Компьютеры в обучение. 27:5-19,2010 Copyright © Taylor & Francis Group, LLC ISSN: 0738-0569 print/ 1528-7033 online DOI: 10.1080/07380560903536249.
6. Daily Chosun (2002, 1 июнь) Дети детского сада, занимающиеся дополнительным учебным уроком (Ceul, Daily Chosun).

РЕЗЮМЕ

Мақолада мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг жисмоний ривожда янги ахборот технологияларидан фойдаланиш муаммолари келтирилган ва бугунги кундаги унинг ечимлари кўрсатилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются проблемы использования новых информационных технологий в физическом развитии воспитанников дошкольного образования и предлагаются решения этих проблем.

RESUME

The article deals with the problems of using new information technologies in the physical development of preschoolers and the author gives solutions to these problems.

МУСИҚА ТАЪЛИМИДА ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ф.Ҳалилов – педагогика фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Таянч сўзлар: достончилик, мусиқа, Алпомиш, Халқ оғзаки ижоди, маънавият, кўшиқ, бахши, маданият, адабиёт, ёш авлод.

Ключевые слова: профессия сказителя дастанов, музыка, Алпамыш, устное народное творчество, бахшы(сказитель), песня, культура, способность, литература, молодое поколение.

Key words: profession of a bakhshi of dastans, music, to write myth, Alpomish, folklore, bakhshi (singer), song, capability, culture, literature, young generation.

XXI асрнинг интеллектуал салоҳиятининг юксалишида Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947 сонли фармойишида белгиланган чора-тадбирларда миллий маданиятимизни асраб қолиш ва уни ривожлантириш бўйича кўплаб вазифалар белгилаб берилган.

Бугунги кунда жаҳон ҳам жамияти диёримизнинг қадим шарқ маданияти цивилизациясининг бешиги бўлиб келганлигини эътироф этмоқда. Диний ва дунёвий илм олишга бебаҳо ҳисса қўшган олиму уламоларимизнинг қолдирган маънавий меросида мусиқа санъатига бағишланган ноёб ва бой илмий рисолалар ҳам мавжудки, бу мусиқа санъати қадимдан халқимизнинг маънавий таянчи бўлиб келганлигидан далолат беради.

Барча миллатлар сингари ўзбек халқи ҳам ўз қадимий тарихи, миллий урф-одатлари, маънавияти ва ўз қадриятларига эга. Ёш авлод тарбияси биринчи навбатда ана шу анъаналарга – боболардан қолган – ёдгорликларга асосланади.

Худудимизда яшаб ижод қилган қадимий аждодларимизнинг тарихини баён этувчи бизнинг ота-боболаримиздан бизгача етиб келган машҳур китоб “Авесто” да берилган ўғитлар, яъни уша замондаёқ айтилган кўшиқлар бу муқаддас тупроқда яшаб ўтган аждодларимиз ҳам мусиқа санъатига қаттиқ меҳр қўйиб келганлигидан дарак беради.

Ўрта асрларда яшаб ижод қилган қомусий аллома-

ларимиз Ал-Хоразмий, Беруний, Ар-Розий, Абу Али ибн Сино, Фаробий, А.Жомий ва бошқаларнинг турли фанларга атаб ёзган кўлёмалари ичида мусиқага бағишланган кўплаб илмий рисолалар ҳам мавжуд.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳудудида 4000 дан ортиқ моддий-маънавий обидалар мавжуд бўлиб, улар умумжаҳон миқёсида кадр тоиб, ЮНЕСКО нинг рўйхатига ноёб намуна сифатида киритилган. Бундай тарихий ёдгорликлар халқимизнинг ниҳоятда бой меросга эга эканлигидан далолат беради. Шундай тарихий ёдгорликлар намунаси аждодларимизнинг теран фикр ва ғояларга бой ҳаёт фалсафаси, ахлокий тушунчалари ҳозирги кун маънавияти учун ҳам хизмат қила олади.

Халқимизнинг маънавий бисоти ичида мусиқа адабиёт билан бевосита боғланиб кетувчи санъат тури достончилигимизда алоҳида аҳамиятлидир. Достонларда халқимизнинг афсонавий қаҳрамонлари, мардлик, жасурлик, ҳалоллик каби фазилатлари улуғланиб келади. Шундай достонлардан бири бу “Алпомиш” достонидир.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг таъбири билан айтганда: “Халқ оғзаки ижодиётининг ноёб дурдонаси бўлмиш “Алпомиш” достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, аждодлардан ўтиб келаётган қаҳрамонлик кўшиғидир. Агарки халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир достон бўлса “Алпомиш” ана шу

достоннинг шоҳ байти, десак тўғри бўлади. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамонт синовларидан омон чиқиб, ўзлигини доимо сақлаган эл – юртимизнинг бағри кенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган” [1].

Шу боис “Алпомиш” достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз кўргонини кўриклашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади.

Ҳозирги кунда бир неча достончилик мактаблари мавжуд. Хусусан, Самарқанд достончилиги, Қашқадарё-Сурхандарё достончилик мактаблари ва Хоразм достончилик мактаби ҳам мавжуд. Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхандарё воҳаси достончилари бир – бирига яқин услубга эга бўлиб, улар домбира сози билан бўғик овозда куйлайдилар. Хоразм достончилари эса оддий ашулачилик йўлида тор чертиб куйлайдилар. Ҳозирги кунда юздан ортиқ достонлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири икки – уч соат давомида ижро этилади. Достончилар бир оз дам олишиб, чой ичиб, томоғларини ҳўллаб яна куйлашни давом эттирадилар.

“Мазкур достонларнинг ўзига хос ахлоқий восита бўла олишга сабаб уларда инсонларнинг бир-бирларига, яъни дўстнинг – дўстга, ота – онанинг фарзандларига, фарзанднинг ота-она, опа-сингил, ака-ука, қариндош-уруғларга бўлган меҳр туйғулари, душманларига, ғанимларига бўлган нафрати, от-уловга бўлган муҳаббати, садоқати, фидоийлик каби юксак ижобий туйғуларнинг қай даражада муқаддас эканлигини достонлар воситасида чуқур илғаб кетиш мумкинлиги асослаб берилган”.

Айни пайтда шуни афсус билан эътироф этиш лозимки, биз авлоддан алводга ўтиб келаётган достонларни, ўқувчи-ёшларимизнинг тарбиясида ўқув юртларида батафсил ўргатиб боролмаяпмиз. Мазкур муаммо кенг миқёсда таҳлил қилиб берилиши лозим бўлган илмий муаммо ҳисобланади [2].

Ёш авлодни маънавий ахлоқий тарбиялашнинг энг асосий мезонларидан бири бу-ўз эътиқоди яъни диний

тарбия ҳисобланади. Мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлган “Қуръони Карим” да ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳи алайҳи васаллам номи билан бевосита боғлиқ бўлган “Ҳадиси Шариф” ларнинг ҳар бири инсон учун зарур ва муқаддас бўлган ахлоқий тушунчалар, ахлоқий нормалар ҳақида баён қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, намоз ўқилишидан олдин айтиладиган азон ҳам, ўқиладиган суралар ҳам шундай оҳанглар билан куйлашни талаб этадики, уни қиёмига етказиб ўқийдиган муллалар ниҳоятда нафис мусиқий дидга эга бўлиши лозим ва ниҳоятда ширали ва кучли овоз соҳиби бўлишлари талаб этилади.

“Ўқувчи ёшларимизни халқимиз яратган достонлар, мусика ва кўшиқ ёрдамида ўзбек мусикасининг бутун ривожланиши тарихи давомида тўплаган барча бойликларни етказиш ва уларнинг онгига сингдириш лозим. Зотан, шу жараёнда миллий асослар ўқувчи ёшларнинг мусиқий қобилиятларини ўстиришда ўзбек адабиёти яхши замин ҳисобланади. Ўзбек мусикаси ва ўзбек адабиётининг алоқадорлиги фақат мусикада эмас, балки таълимда ҳам намоён бўлади” [3].

“Мисол қилиб олганимизда, уларнинг мундарижасига “Она ер таронаси”, “Ватаним менинг”, “Учаверинг турналар”, “Она қўллари” каби ўқувчилар учун ёзилган кўшиқларни киритиш мумкин. Таълим беришда ҳар бир мавзунинг мағзини ўқувчиларнинг онгига етказиш маҳорати ўқитувчидан кўп изланишни, кўп мутолаа қилишни талаб қилади. Билими бой бўлган устозгина мавзунинг мағзини ўқувчилар онгига моҳирона етказа олади ва мақсадга эришиш йўлида илғор педагогик инновацион технологиялардан ҳам фойдаланилса мақсадга эриша олади деган умиддамиз” [4].

Ўқувчи-ёшларнинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантириш масаласини асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, реал ҳаётда унга асос бўла оладиган, ўз таъсирини кўрсата оладиган барча тизим ва омилларни чуқур мушоҳада қилиб, бунда ўзбек адабиёти ва мусиканинг ўзаро вобасталигини, ўрнини аниқ белгилаб олишимиз талаб этилади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. -Т.: “Маънавият”, 2008.
2. Умумий ўрта таълим ДТС ва ўқув дастурлари. -Т.: “Шарк”, 2009.
3. Мусика ва синф дарслиги. -Т.: “Ғ.Ғулом”. 2000.
4. Мусика ва синф дарслиги. -Т.: “Ғ.Ғулом”. 2001.
5. Музыка и пение в школе: Сборник статей. -Ростов на Дону: 1994.
6. Халилов Ф.Н. Бўлажак мусика ўқитувчиларининг ижрочилик маҳоратини оширишнинг дидактик асослари. (Ўқув қўлланма) –Т.: 2003.

РЕЗЮМЕ

Мақола ўзбек бадиий адабиёти ва ўзбек мусика таълими ўртасидаги азалий муносабатлар ёритилган. Бу муносабатларни юзага чиқаришда достончиликнинг ўрнини аниқлаш масалалари қараб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещаются тесная связь между узбекской художественной литературой и традициями узбекской музыкальной школы. Выявлено место дастанов в осуществлении поставленных задач.

SUMMARY

The article contains the information about close connection and relations between Uzbek literature and traditions of Uzbek musical school. There has been determined the place of dastans in the realization of tasks.

КРЕАТИВЛИКТИҢ ТЕОРИЯЛЫҚ ТӨРӨПТЕН ҮЙРЕНИЛИҢИ

Г.Худайбергенова - таяныш докторант

Эжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: креативлик, ижодий қобилият, оригиналлик, дивергент тафаккур, интеллект, тезлик, мослашувчанлик, ўз фаоллиги.

Ключевые слова: креативность, творческая способность, оригинальность, дивергентное мышление, интеллект, беглость, гибкость, самоактуализация.

Key words: creativity, creative ability, originality, divergent thinking, intellect, fluency, flexibility, self-actualization.

Биз ҳазирги жасап турган өзгериш дуньяда, илим ҳам техниканың тез пәт пенен раўажланыўы, дунья жүзлик базар қатнасықларының жедел кешиўи процесинде дәретиўшилиқ ойлаўға ийе, жүзеге келген ҳам келиўи мүмкин болған машқалалардың стандарт болимаған шешимлерин көре алатуғын шахсларды жетили-

стириў - баслы ўазыйпамыз. Креативлик инсанлардың түрлише турмыслық жағдайларында оларды жеңип шығыўға, оларды түсиниўге ҳам дурыс шешим қабыллаўына жәрдем береді.

Креативликтің инсан өмириндеги әҳмийетлиги сонда, ол бизиң өмиримизди және де бай, қызғынлы